

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА НАФАҚА ЁШДАГИ АҲОЛИ ГУРУҲИ.

Эшматов Рустам

Жавбекова Шарофат

Самарканд Давлат Университети

Психология ва ижтимоий сиёсий фанлар

Факултети 3-боскич талабалари

Аннотация: Ушбу мақолада, нафақа ёшдаги аҳоли гуруҳининг жамиятдаги ўрни ва салмоғи, уларга бўлган этибор борасида сўз юритилади.

Таянч иборалар: Нафақа ёши, ижтимоий нафақа, нафақа ёшдаги аҳоли саломатлиги, қарилитнафақаси, нафақат турлари, ногиронлик нафақаси, боқувчисини юқотган, нафақанинг алоҳида турлари, кўпйиллик хизмати учун, хомиладорлик ёш болалик учун.

Нафақа ёши қарилит нафақаси бериладиган ёш бўлиб шартли равишда кекса кишилар менат қобилиятининг охириги чегарасининг мезони ҳисобланади. Нафақа ёшига етган шахс, ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш мажбуриятларидан озод этилади, ва шартли равишда меҳнатга яроқсиз ҳисобланади. Меҳнатга яроқсиз ёши дунёдаги жудат кўп давлатларда 65 ва ундан юқори ҳисобланади. Мисол учун Францияда, АҚШда, Германияда ва Японияда нафақага чиқиш ёши эркаклар учун 65 ёшдан, аёллар учун 60 ёш ҳисобланади. Ўзбекистонда эса нафақа ёши эркаклар учун 60 ёш ва аёллар учун эса 55 ёш ҳисобланади⁵. Бу эса нафақа ёшдагилардан энг қуйи чегаралардан ҳисобланади.

Айни пайтда Европа иттифоқи аҳолисининг деярли ярмиси нафақага чиқиш ёшидаги одамлардир. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Шу билан бирга қайд этиш жоизким, Ўзбекистонда пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони (2022 йил 1 апрель ҳолатига) 4 100,8 минг нафарни (бундан 56,3 фоизи аёллар) ёки аҳоли сонидagi улуши 11,6%ни ташкил этмоқда⁶. Бу ҳақда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси малум қилди.

Нафақа ёши инсон меҳнат қилган меҳнат шароити (оғир меҳнат қилган ҳолда) оиладаги фарзандлар сонига қараб камайтириш мумкин. Ўзбекистонда камайтирилган нафақа эркаклар учун 50-55 ёш, аёллар учун 45-50 ёшни ташкил этади.

⁵Ўзбекистон Республикаси «Фуқароликнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» гиконуни. 2-боб, 7-модда 03 09 1993 йилда қабул қилинган.

⁶<https://xs.uz/uzkr/77356>



Нафақа – “пенсия” лотинча сўз бўлиб, “тўлов” деган маънони англатади. Нафақа тўлаш ҳар бир давлатда ўз қоидалари, мезонлари ва турлари мавжуд. Нафақа – мухтож одамларга давлат, корхона, муассаса ва айрим шахслар томонидан бериладиган ёрдам пули. Ўзбекистон республикасида меҳнат стажига кўра бериладиган пенсиядан фарқли ҳолда Нафақа давлат томонидан, асосан, болалиқдан ногирон, ёлғиз қария ва ёлғиз ногиронларга, меҳнатга вақтинчалик қобилиятсизларга, хомиладор ва туққан аёлларга, 3 ёшгача бўлган болалар тарбияси билан банд бўлган ёлларга, ишсизларга, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга берилади.

Ўзбекистон қонунчилигида нафақани 4 тури мавжуддир:

1. Қариллик нафақаси.

2. Ногиронлик нафақаси.

3. Боқувчисини йўқотган ҳолда.

4. Нафақанинг алоҳида турлари ҳақида (кўп йиллик хизмати учун, хомиладорлик ва ёш болалиқ даври учун, кам таъминланган оилалар учун ва х. к.)

Инсоннинг меҳнатга яроқли ёшидан нафақа ёшига ўтишининг ҳаётида кенг социал ўзгаришларга сабаб бўлади. Инсон жамиятда бир ижтимоий гуруҳдан иккинчи ижтимоий гуруҳга ўтади.

Нафақа ёшидаги аҳолига жамиятдаги, оиладаги муносабатлар ҳам маълум даражада ўзгаради.

Нафақа ёшидаги аҳоли саломатлиги улар ҳаётидаги мақсадига айланади. Аҳоли таркибига нафақа ёшидаги аҳоли салмоғининг паст ёки юқорилиги аҳолининг табиий ўсишига ва миграция жараёнига боғлиқдир. Янгиланаётган Ўзбекистонда нафақа ёшдаги аҳоли гуруҳига жуда катта этибор кўрсатиб келинмоқда. Шу билан биргаликда аҳолининг демографик ўсиш жихатидан нафақахўрлар ошиб бормоқда. Шунга қарама-қарши аҳолининг асосий қисмини 14-30 ёшгача бўлган (ёшлар 60%) ниташкилэтади.

Шунингдек, 2022 йил 9 февралдаги ЎРҚ-752-сон қонунига мувофиқ «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» ги Қонунга ҳамда Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ:

— Аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш бўлиш вақтининг ҳаммасини жамланганда кўпи билан 6 йиллик даврни иш стажига қўшиб ҳисоблаш ҳуқуқи берилди;

— Ўқувчи ва талабалар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқини таълим муассасаларида ўқишнинг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунга қадар сақлаб қолиш ҳуқуқи берилди⁷.

⁷<https://xs.uz/uzkr/77356>



Жорий йилда «Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чОра-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони (ПФ–128-сон, 29.04.2022 й.) қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, 2022 йил 1 майда ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари миқдори 12 фоизга оширилади.

Шунга кўра, Ўзбекистон ҳудудида пенсия ва нафақалар миқдори қуйидагича белгиланади:

- пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига 324 000 сўм;
- ёшга доир энг кам пенсия – ойига 633 000 сўм;
- ногиронлик пенсиялари, иш стажи тўлиқ бўлмагандаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори – ойига 698 000 сўм;
- меҳнатга лаёқатсизларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болалиқдан ногиронлиги бўлганларга бериладиган нафақа – ойига 698 000 сўм;
- 1941-1945 йиллардаги урушда ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград қамал қилинганда ишлаганларнинг энг кам пенсияси устамаларни инобатга олган ҳолда – ойига 3 080 000 сўм;
- белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (633 000 сўмдан) 698 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори – ойига 698 000 сўм.

Шунингдек, 2022 йил 1 майдан:

- зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори – ойига 500 000 сўм;
- иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – ойига 500 000 сўм;
- боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори – ойига 500 000 сўм этиб белгиланади ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун – 185 000 сўмдан қўшилади;
- боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига 500 000 сўм этиб белгиланиб, кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўланади⁸.

Хуллас, демографик қариш жараёни жамият ҳаётидаги демографик ва социал ходиса бўлиб, унинг қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолари мавжуддир. Аҳоли табиий ўсиши юкори бўлган давлатларда аҳоли таркибида нафақа ёшидагилар салмоғи бир мунча паст бўлади. Ва аксинча аҳоли табиий ўсиши кам бўлган давлатлар эса

⁸<https://xs.uz/uzkr/77333>



аҳоли таркибида қариялар салмоғи юқори бўлади. Иқтисодий ривожланган давлатлар, шунингдек, аҳоли ўртача умр кўришини ўзайтириш, аҳоли ўртасида ўлим ҳолларининг камайиши, бошқа худудлардан каттаёшдаги аҳолининг кўчиб келиши ҳам нафақа ёшдаги аҳоли салмоғининг ошиб боришига олиб келади.

Бухол давлатларда “Демографик қариш” жараёнини содир этади. Демографик қариш коэффицентлари мавжуд бўлган улар орқали хар бир худудда қариш жараёнини махсус ҳисоблаш, таҳлил этиш ва таққослаш мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароликнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» гиконуни. 2-боб, 7-модда 03 09 1993 йилда қабул қилинган.

2. <https://xs.uz/uzkr/77356>

3. <https://xs.uz/uzkr/77333>

4. Демография. З.Н.Тожиева Тошкент-2020

5. Аҳоли географияси ва демография асослари Тошкент-2017

